ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 131 (9.781) 2002 йил 6 ноябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

❐ **КАДРЛАР** тайёрлаш миллий дастури белгилаб берган вазифаларни тўлаконли бажаришга ўз ҳиссаларини қўшишга жазм этган Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти олимлари томонидан 6 та электрон дарслик яратилди. Ўқитувчилар учун «Касб-ҳунар таълими» деб номланган илмий-методик журнал нашр этилмоқда.

❐ **АМАЛИЙ** санъат музейида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан фахрий ҳунармандлар иштирокида «Қарияларга эҳтиром — олий қадриятларимиз» мавзуида ўтказилган тадбир ҳамда фахрий усталар, қўшимча таълим марказининг иқтидорли ёш аъзолари яратган амалий санъат асарлари кўргазмаси Яккасарой туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

❐ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** экспортчи сармоядорларга кўмаклашувчи экспорт марказида иқтисодчилар, тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Корхоналарда маркетинг тадқиқотларининг услуби ва амалиёти» деб номланди.

❐ **САВДО** соҳасида улгуржи йўналишни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган «Биржасервизмарказ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ўтказилган йиғилишда шу кунгача шаҳримиз тадбиркорларига 4 миллиард сўмлик маҳсулотларни сотишда ёрдам кўрсатилганлиги таъкидланди.

САНОАТ

Мутахассислар яхши баҳолашди

Машинасозлик саноатида автомобиль фильтрлари автотехника турларидан бири сифатида кенг фойдаланилади. Шу сабабли «Тошкент «Компрессор» заводи» ҳиссадорлик жамияти бу ўхил мосламаларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бу ерда ҳаво, мой ва ёнилғи билан ишлайдиган фильтрлар тайёрловчи алоҳида цехнинг очилиши ҳам айни муддао бўлди. Цехда чиқарилган дастлабки маҳсулот сертификациялаштирилди ҳамда мутахассислар томонидан яхши баҳоланди.

Янги фильтрларнинг дастлабки мажмуаси эса «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига юборилди. Улардан «Нексия» автомобили фильтри ўрнида фойдаланилади. Кейинчалик «Дамас», «Матиз» автомобиллари учун ҳам фильтрлар кўплаб етказиб берилади.

Акбар АЛИЕВ

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

ЁШЛАРИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларимизни маънан етук ва баркамол қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан ҳам шаҳримиз туманларида бу борада қилинаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларга чуқур билим эгаллашларида ва миллий ҳунармандчилик сирларидан воқиф бўлишларида ёрдам бериш мақсадида Миробод туманида «Мадина-Зиёд» ўқув маркази ташкил этилди. Туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Миробод туман кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида фаолиятини бошлаган мазкур ўқув марказида ёшларга компьютердан сабоқ берилади. Сартарошлик ҳамда тикувчилик ҳунарини мукаммал ўргатиш мақсадида ушбу тармоқлар бўйича ҳам тўгаракларнинг ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Дарвоқе, келажагимиз ворисларининг санъатга бўлган меҳрини янада кучайтириш мақсадида мусиқа тўгараги ҳам иш бошлади.

(Ўз мухбиримиз)

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ 25

Муҳташам ерости қасрлари

Тошкент метроси — бу мустақил Ўзбекистон Республикасининг фахри, ғурури ва ифтихори. Бу қулай транспорт воситаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида еттинчи бўлиб бизнинг республикамизда қатнай бошлаган.

Бундан чорак аср муқаддам азим пойтахтимиз аҳолиси ажойиб мўъжизанинг гувоҳи бўлди. 1977 йили Тошкент метрополитенининг «Чилонзор» йўналишида дастлабки ерости поезди қатнови йўлга қўйилди. Узунлиги 12 километр бўлган бу йўл аҳолиси гавжум мавзе — Чилонзор туманини шаҳар маркази билан боғлади. Орадан уч йил ўтиб мазкур йўналишнинг «Амир Темур хиёбони» — «Пушкин» — «Буюк Ипак йўли» бекатлари фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб ушбу йўналишнинг узунлиги 16 километрга етди.

1984 йили метронинг янги йўналиши — «Ўзбекистон» йўли ишга туширилди. Ўшанда дастлабки бешта бекат фойдаланишга топширилган эди. 1992 йили эса 11 бекатдан иборат мазкур йўналиш тўлалигича халққа хизмат кўрсата бошлади.

— 1999 йилнинг ноябрь ойида республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш концепцияси ҳақида»ги қарори эълон қилинди. Шу ҳужжатда қайд қилинишича иккинчи босқичда (2001-2003 йилларда) метрополитеннинг «Юнусобод» йўналиши қурилишини тугаллаш ва янги тизим «Собир Раҳимов» — «Сергели» йўналишини жойлаштириш лойиҳасини қабул қилиш кўзда тутилган эди. Ушбу қарор шаҳар ҳокимлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, корхона ва муассасалар томонидан қизғин қўллаб-қувватланиб, амалга оширилганлиги туфайли ўтган йилнинг август ойида «Юнусобод» йўналишининг «Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари фойдаланишга топширилди.

Узунлиги 7,6 километр «Юнусобод» тизимининг қурилишига 40 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ажратилди. Шу жумладан, ушбу маблағнинг 4 миллиард сўми 20 та ҳаракат таркибини сотиб олишга сарфланди. Янги йўналишни ўзига хос камдан кам учрайдиган хусусиятлардан бири шундаки, унинг бекатлари «Чилонзор» ва «Ўзбекистон» йўналишлари бекатларини бир-бири билан боғлайди.

Ушбу йўналишнинг яна бир эътиборли томони, у янги замонавий мосламалар, техник қурилмалари билан ажралиб туради. Тортувчи ерости ним станцияларига «Зоненшайн» аккумуляторлари, бекат ва тунеллардаги ҳаво алмаштирув мосламалари, вентиляторлар ўрнатилган.

Умуман олганда 25 йил давомида 4 миллиарддан ортиқ йўловчи Тошкент метроси хизматидан фойдаланди. Шу кунларда «Юнусобод» йўналишининг иккинчи навбатида ҳам қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Юртбошимизнинг 1999 йилнинг ноябрь ойидаги Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи пайтида муҳокама қилинган бир қатор масалалар орасида метронинг «Сергели» йўналишини лойиҳалаштириш ва қуриш масаласи ҳам бор эди. Ўтган давр мобайнида ушбу лойиҳанинг молиявий қисми кўриб чиқилиб, Хитой тарафи метронинг «Сергели» тизимини қуриш ва ишга тушириш учун 8 йиллик муддатга давлат кредити ажратишга тайёр эканлигини билдирди. Ишончимиз комилки, тарихий умумликка эга бўлган Хитой ва Ўзбекистон халқларининг меҳнати янги йўналиш қурилишидаги ўзаро ташқи иқтисодий бирдамликда янада камол топади.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил август ойидаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан метрополитен йўловчилар билан универсал карточка орқали йўл ҳақини тўлашлик борасида иш олиб бормоқда. Биринчи босқичда, метрополитеннинг саккиз бекати, жумладан, «Мустақиллик майдони», «Амир Темур», «Ҳамза», «Буюк Ипак йўли», «Бодомзор», «Халқлар Дўстлиги», «Ойбек», «Ҳамид Олимжон» бекатларида банк терминаллари автоматик назорат жойлари билан уланиб, пластик карточкалар орқали йўл ҳақи тўланиши кўзда тутилмоқда.

Иккинчи босқичда 2003 йилга қадар метрополитеннинг қолган бекатларида ҳам терминаллар ўрнатиш амалга оширилади.

Биз ушбу материални тайёрлаш жараёнида метрополитеннинг турли бекатларида бўлиб, йўловчилар ва чет эллик меҳмонлар фикри билан қизиқдик. Арабистондан келган меҳмон Муҳаммад Назирий ўз таассуротларини шундай баён этди:

— Кўз тегмасин Тошкентга, у беқиёс, мислсиз даражада яшариб, янгиланиб кетибди. Бу гап Тошкент метрополитенига жуда-жуда тааллуқлидир. Мен метронинг «Юнусобод» йўналиши бекатларида бўлганимда бунга яна бир бор амин бўлдим. Ерости қасрларининг безатилиши ва уларнинг бетакрорлигига қойил қолдим.

— Метро барча транспортлар орасида энг қулай ва ишончлиси деб тан олинган, — дейди Андижондан келган ҳамюртимиз Муҳаммад Азимов. — Шунинг учун мен ҳар гал пойтахтга келганимда кўпрок метро хизматидан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Шу билан вақтдан ютаман, ишим ҳам тезда битади. Улкан ерости йўлларини бунёд этиб, йўловчиларга шундай қулайликлар яратиб берган метронинг лойиҳачиларию, бунёдкорларига тасаннолар айтаман.

Тошкентлик Файзулла Обидов шундай дейди:

— Аввало Ўзбекистонимиз, қолаверса Тошкентимизда рўй бераётган барча янгиликлар, ўзгаришларнинг ташаббускори, қурилишларимизнинг бош меъмори Юртбошимизга раҳмат. Шу инсоннинг саъй-ҳаракати ва изланишлари билан юртимиз ҳар томонлама янги қиёфа кашф этиб бораяптики, бунга ҳар қанча қувонсак арзийди. Тошкент метроси «Юнусобод» йўналишининг ишга туширилишида, эндиликда бунёд этиладиган «Сергели» йўналишининг бошланишида ҳам Президентимизнинг хизматлари катта. Комил ишонч билан айтаманки, Тошкент метрополитени бундан кейин ҳам шаҳар йўловчи ташиш транспортининг асосий мезони бўлиб қолади, Ватанимиз иқтисодий қудратининг ошишига, гуллаб-яшнашига астойдил хизмат қилади.

Бугунги кунда Тошкент метрополитенида турли миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Улар ўзларининг байрамларини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш билан бирга халқимизга юқори маданий даражада намунали хизмат кўрсатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Куни кеча Тошкент метрополитенининг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанада ҳам метронинг ўтмиши ва келажаги ҳақида сўз борди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов иштирок этди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ СУРАТЛАРДА: «Мустақиллик» станцияси бўйича навбатчилар (чапдан) Светлана Ҳалимбаева, Гулчеҳра Исмандиёрова ва Надежда Ососнова; метро бекатларидан бирининг умумий кўриниши.

Ўзбекистон мусулмонларига Рамазони шариф табриги

Ассалому алайкум азиз ватандошлар, аҳли ислом, мўъмин-мусулмон биродарлар. Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан барчаларингизни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолари Кенгаши ва шахсан ўз номимдан муборакбод этаман. Бу улуғ ойнинг кириб келишини интизорлик билан кутган ватандошларимиз қалбларига сокинлик, хотиржамлик ато этади.

Унинг файзу баракоти хонадонларимизни мунаввар айласин!

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида содир бўлаётгани каби, диний соҳада ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Динимиз буюрган барча аҳкомларни, алҳамдулиллоҳ, эмин-эркин бажармоқдамиз. Бу соҳага оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келаётган муҳтарам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли энг қулай шароитларда Ҳаж ва Умра амалларини адо этиб келмоқдамиз. «Дин афъюн» деб эълон қилган мустабид тузум давридаёқ эл суйган раҳбаримиз Рамазон ҳамда Қурбон ҳайити кунларини байрам — дам олиш куни деб эълон қилиб, жасорат намунасини кўрсатган эдилар. Алҳамдулиллоҳ, доруломон кунларга етиб келдик, унутилаёзган қадриятларимиз, одатларимиз, динимизга қайтдик. Бу кунларнинг қадрига етмоқ ва шукронасини қилмоқ керак.

Рамазони шариф тоат-ибодат, файз барака, тинчлик ва хотиржамлик ойидир. Бу қутлуғ ойда, иншоаллоҳ, гуноҳлар ювилажак, тавба, чин дил ва ихлос билан қилинадиган дуолар мустажоб бўлажак. Ҳар бир рўзадор бу ойда покиза бўлиб, яхши ниятлар қилмоғи, ўзгаларга раҳмдил, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиб, ахлоқу одоби ила бошқаларга намуна бўлиши, гиналар унутилиши, адоват барҳам топмоғи лозим.

Ислом динимиз шунчалар бағри кенг, халқпарвар динки, у доимо мусулмонларга енгиллик яратиб, инсонларнинг тоқатидан ортиқ амалларни қилишга буюрмаган. Бу нарса Рамазон рўзасида ҳам ўз аксини топган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «Рамазон ойи одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат. Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунлар саноғи) бошқа кунлардандир. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди, оғирликни истамайди». (Бақара сураси, 185-оят).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак ҳадиси шарифларида: «Агар умматларим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканлигини билганларида эди, йилнинг ҳамма ойлари рўза бўлишини орзу қилган бўлур эдилар», — деб марҳамат қилганлар.

Бу муборак ойда қиладиган тоат-ибодатларимиз, хайрли амалларимиз ва тутадиган рўзамиз Аллоҳ учун, унинг ризолиги учун бўлиб, Парвардигор Эгамиз уларнинг эвазига алоҳида ажрлар ваъда қилган.

Сўнгги пайтда ер юзидаги инсонлар осойишталигини бузиб, тинчликка раҳна солаётган диний мутаассибчиликдан Ислом динини ҳимоя этиш барчанинг долзарб вазифасига айланди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари жаноб Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида жаҳонда ва минтақамизда диний соҳада рўй бераётган воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, муқаддас Ислом динимизни бузиб талқин қилаётган кимсалардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳияти эзгулик ва тинчлик дини эканини халқимизга етказиш лозимлиги ҳақидаги фикрни баён этдилар.

Дарҳақиқат, муқаддас Ислом динимизни «бузғунчи исломчи»лардан асраш ҳар биримизга ҳам қарз, ҳам фарз. Бу йўлда огоҳлик ва ҳушёрлик талаб қилинади.

Мана шундай шукуҳли дамларда яна бир бор барча халқимизни ва муҳтарам Президентимизни Рамазони шариф ила муборакбод этаман. Тутадиган рўзаларимиз, тоат-ибодатларимиз, ватан равнақи ва хонадонларимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини сўраб қиладиган дуоларимиз даргоҳида ҳусни қабул бўлсин.

Аллоҳ таолодан истиқболи нурафшон диёримиздаги барча оилаларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик сўрайман. Келгуси моҳи Рамазонгача бағри бутунлик, офият ва тинчлик-хотиржамликда етиб боришимизни Яратганнинг ўзи насиб айласин!

Абдурашид қори БАҲРОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиясининг учинчи чорак якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан ахборот берган комиссия раиси ўринбосари, Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панаев ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар устида батафсил тўхталиб ўтди.

Асосий мақсад — самарадорлик

Хусусан, шаҳар ҳудудида жойлашган 89 та назорат органлари томонидан ўтказилган текширувлар ўрганилиб, натижалари Республика кенгашига тақдим қилинган. Ўтган даврда хўжалик субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, кичик ва ўрта бизнес корхоналари изчил ривожланишига имконият яратиш мақсадида режалаштирилган текширувларни 1123 тага камайтиришга эришилди. Шу билан бирга, ўтган даврга нисбатан кўрилган чоралар натижасида назорат органлари томонидан текширувлар учинчи чорак бўйича 60 фоизга қисқартирилган.

Учинчи чоракда ўтказилган режали текширувларнинг 70 фоизидан кўпроғида молиявий-иқтисодий қонунбузарликлар аниқланган бўлиб, давлат ҳисобига хўжалик субъектларидан 2,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундирилган.

Комиссия йиғилишида Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Абдуазим Мажидовнинг тумандаги назорат органлари фаолияти бўйича ахбороти тингланди ҳамда ўтган вақт ичида айрим назорат органлари томонидан йўл қўйилган хатоликлар, жумладан корхоналар фаолияти дастлаб ўрганилмасдан режавий текширувларга тортилаётгани хусусида маълумот берилди.

Шунингдек комиссия аъзолари Республика Кенгашининг 2002 йил 27 сентябрдаги баёни талаблари билан таништириб ўтилди.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан комиссия йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневскийдан Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида кўрсатилган меҳмоннавозлик учун чин қалбдан изҳор этилган миннатдорлик мактуби келди.

● Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайъатнинг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2003-2005 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси кўриб чиқилди.

● **Кеча** Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банк, Осиё тараққиёт банки, АҚШ Халқаро тараққиёт бўйича агентлиги ва Жаҳон кредит уюшмалари кенгаши томонидан «Ўзбекистонда кредит уюшмалари тизимининг ривожланиш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси» мавзуида амалий семинар ташкил этилди.

● **Кеча** республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкентдаги ҳарбий қисмлардан бирида «Демократия, фуқаролик жамияти ва Ватанга хизмат» мавзуига бағишлаб ўтказган маънавий-маърифий тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси моҳиятини тушунтиришга қаратилди.

● Германиянинг Hermes экспорт -кредит агентлиги Gesselschaft Berlin банки томонидан «Асакабанк»ка Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолатисиз берилган 18 миллион евро миқдоридаги кредит бўйича инвестиция лойиҳасини тасдиқлади.

● «Тадбиркор аёллар» уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлимида ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ишини янада такомиллаштиришга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз пойтахтида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси негизида Суғурта бизнеси ўқув маркази иш бошлади.

● «Экосан» Тошкент клубининг «Шератон» меҳмонхонасида «Орол инқирози ва глобал катаклизмлар» мавзуида кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

● **Кеча** Тошкентда, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида «Солиқ қонунчилиги муаммолари ва уни такомиллаштириш йўллари» мавзуидаги семинар ўз ишини бошлади.

● Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга АҚШнинг Индиана штатидаги Клинтон Централ мактаби ўқувчилари томонидан юборилган совғаларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 43-мактаб мебеллар, компьютер ва спорт анжомлари билан қайта жиҳозланадиган бўлди. Негаки, Япония ана шу мақсадлар учун мактабга 60,732 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратди.

● Бухорода АКСЕЛС-Америка халқаро таълим кенгаши танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ушбу минтақавий танловда уч нафар бухоролик, икки нафар қашқадарёлик ва бир сурхондарёлик инглиз тили ўқитувчиси танлов ғолиби деб топилди. Танлов ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

● **Кеча** Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ёш олимларнинг «Ўзбекистон санъати илмий-тадқиқот объекти сифатида» мавзуидаги илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Миллий университетида «Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг география асослари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Самарқандда Немис ўқув маркази иш бошлади.

● **Бугун** республикамиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Кундузи ҳаво ҳарорати 15-17 даража иссиқ бўлди.

Жаҳонда

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг шу йилнинг 13-14 ноябрь кунларига белгиланган Нидерландияга расмий ташрифи қолдирилди. Голландия ҳукумати тарқатган манбаларда айтилишича, ташриф Россиянинг илтимосига кўра қолдирилган.

● Камбоджа пойтахтида бўлиб ўтаётган АСЕАН уюшмасига аъзо давлатлар раҳбарларининг йиғилишида террорчиликка қарши янада қатъий чоралар кўриш ҳақида қарор қабул қилинган. Уюшмага аъзо давлатлар раҳбарлари минтақага хорижий инвесторлар ва сайёҳларни жалб қилиш мақсадида террорчиликка қарши декларацияни маъқуллашган.

● **Кеча** Канаданинг Лотин Америкаси мамлакатлари ишлари бўйича вазирининг Кубага ташрифи якунланди. Шуни таъкидлаш керакки, Канада билан Куба ўртасидаги муносабатлар уч йилдан бери амалда «музлатиб» қўйилган эди.

● Афғонистон ҳукумати мамлакат пойтахти Кобулда бундан 24 йил муқаддам жорий этилган комендантлик соати бекор қилиниши ҳақида қарор қабул қилган. Ушбу қарор «Пойтахтда барқарор хавфсизлик ўрнатиш» дастури асосида қабул қилинди. Айни пайтда Кобулда 4500 нафар халқаро тинчликпарвар кучлар аскарлари бор.

● Россиянинг федерал чегара хизмати Россия - Грузия чегараларида назоратни янада кучайтирди. Федерал чегара хизмати директори Константин Тоцкийнинг маълум қилишича, чегара участкаларида қўшимча 7 та чегара заставаси ва 3 та вақтинчалик чегара постлари ташкил этилган.

● Москвадаги Театрлар марказида гаровга олинганларнинг 500 нафари шаҳар касалхоналарида даволаниб чиқишди. Айни пайтда шаҳар касалхоналарида яна 149 нафар собиқ гаровга олинганлар даволанмоқда.

● Горький автомобиль заводи 2 ноябрдан 10 ноябргача вақтинчалик тўхтатилди. Бу даврда режа бўйича конвейерда таъмирлаш ишлари ўтказилади. Завод ишчилари 8 кунлик таътил учун Россия Федерацияси Меҳнат Кодексида белгилаб қўйилганидек оддий маош билан таъминланадилар.

● Шри-Ланка ҳукумати ва Тамил айирмачилари ўртасида 4 кун давом этган музокаралар якунланди. Келишувларга кўра, яқинда учта махсус комиссия тузилади. Улар икки томон ўртасидаги можаролар оқибатларини бартараф этиш билан шуғулланади.

● Исроилнинг Тель-Авив шаҳри яқинидаги Кфар Саба шаҳарчасида электр жиҳозлари сотиладиган магазин ёнида камикадзенинг ўз ичига яширган портловчи моддани ишга солиши оқибатида юз берган портлаш туфайли уч киши ҳалок бўлиб, 15 дан ортиқ киши жароҳатланган. Ундан аввалроқ ҳам худди шундай ҳолат Наблус шаҳрида кузатилган эди.

● Аргентина полицияси Италияда иш олиб бораётган «Қизил бригада» исёнчи гуруҳининг юқори лавозимли аъзоси деб тахмин қилинаётган кишини — Италияда ўтган асрнинг 70-80 -йиллари фаол иш олиб борган гуруҳ раҳбарларидан бири Бертулаззини асирга олган. Ушбу ташкилот зиммасида бир неча сиёсий жиноятлар бор.

● Токио кўчаларида чекмаслик тўғрисидаги тақиқлов кучга кирди. Тақиқлов кучга кирган биринчи куннинг ўзидаёқ полиция 13 нафар қоидабузарни белгиланмаган жойда сигарет чеккани ва сигарет қолдиғини йўлкага ташлагани учун жаримага тортди. Жарима 160 доллар миқдорида белгиланди.

● АҚШда икки марта кучли ер силкиниши рўй берди. Аляска штатидаги Кантвелл шаҳридан 80 километр шимоли-шарқда жойлашган Мак Кинли тоғи атрофидаги зилзила Рихтер ўлчови бўйича 7,9 баллни ташкил этди. Небраска, Айова ва Жанубий Дакота аҳолиси ҳам бир неча дақиқа давом этган 4,3 баллга тенг зилзиланинг гувоҳи бўлишди.

ИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг саҳифаси

МУСОҲАБА

Муштарак мақсадлар йўлида

Иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар — кўп болали аёллар, ўқув муассасаларини битирган ёшлар, ҳарбий хизматдан қайтган, жазо муддатини ўтаган фуқароларни иш билан таъминлашда шаҳримиз туманларида фаолият кўрсатаётган меҳнат бўлимларининг хизмати катта. Биз Миробод туман меҳнат бўлими раҳбари Баҳодир Ҳусниддинхўжаевдан меҳнат бўлимининг фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

— Иш фаолиятимиз ҳақида сўзлашни ва фуқароларга меҳнат бўлимининг кенг имкониятлари ҳақида тўла-тўкис ҳисобот беришни ўз бурчим деб биламан. Токи, ҳар бир фуқаро давлатимиз томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи ташкилотлар борлигини ва улар ҳамиша хизматга тайёр эканликларини билсин.

Меҳнат бўлимимизнинг асосий вазифаси, бу — банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, касби йўқ фуқароларни касбга ўқитиш ва ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишдир.

Туманимизда 124900 нафар аҳоли истиқомат қилади, улардан 43,7 минг нафари вояга етмаган ёшларни, 18,2 минг нафари нафақахўрларни ва 69.300 минг нафари ишга лаёқатли аҳолини ташкил этади.

Биз туманда фаолият кўрсатаётган 3124 та корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ушбу корхоналарда 87,3 минг киши ишламоқда, бу дегани ишга лаёқатли аҳоли сонидан корхоналарда ишловчилар сони 26 фоиз баравар кўпдир, яъни Миробод иш жойларининг мавжудлиги ҳисобига шаҳарда иш жойларини яратувчи туман ҳисобланади.

Шу кунгача меҳнат бўлимига 1090 нафар фуқаролар мурожаат қилдилар ва улар иш қидирувчилар сифатида рўйхатга олинганлар. 810 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган бўлса, 335 нафарига ишсизлик мақоми берилди, булардан 162 нафари ўқишга, 52 нафари жамоат ишларига жалб этилди, 17 нафари муддатидан олдин пенсияга чиқарилди, 292 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Бўлимда Бандлик қонуни бўйича ҳар ойда туманда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олинади. Ҳозирги кунда тумандаги 98 та корхонада 967 та бўш иш жойлари мавжуддир.

— Янги иш жойлари ташкил этиш борасида қандай фаолият амалга оширилмоқда?

— Аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида асосий йўналиш — бу янги иш жойларини ташкил этишдир, айниқса кичик ва ўрта корхоналарда. Жорий йилда 182 та янги корхона ишга тушган бўлиб, буларда 2791 та янги иш жойлари очилган, яна 549 киши ўз-ўзини иш билан таъминлаганлар, бу иш ўринлари якка тартибда ишловчилар ҳисобига очилган. Ўрта ва кичик бизнесда 2535 та иш ўринлари яратилган.

— Махсус иш жойлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Меҳнат бозорида рақобатга бардош беролмайдиган фуқароларга давлат томонидан қўшимча имтиёзлар яратилган бўлиб, уларни амалга ошириш борасида 1998 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Бу қарорга асосланиб ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун Миробод туман ҳокимининг 2001 йилда 1969-сонли қарори қабул қилинган, уни амалга ошириш борасида 9 та корхонада 170 та махсус иш жойлари очилди. Булардан 74 таси ногиронлар учун. Ҳозирги кунда жами 84 та корхонада 2055 та махсус жойлар мавжуд бўлиб, 1568 нафар фуқаролар ишламоқдалар. (шулардан 358 таси ногиронлардир).

Бўлимимизнинг вазифаларидан яна бири — корхоналарда меҳнат ва бандлик қонунларининг бажарилишини назорат қилишдир. Яъни корхоналарда иш ҳақларининг ўз вақтида берилишини назорат қилиш. Бу иш ҳозирда туман пул кредит сиёсати комиссиясида корхона раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқилиб шунга яраша чоратадбирлар кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бўлимимиз ходимлари «Қарияларни қадрлаш йили»да янада фаолроқ ишлаб, ҳар бир ёрдамга муҳтож бўлган фуқарога имкон қадар ҳам моддий, ҳам маънавий томондан кўмак беришга ҳаракат қилмоқдалар. Ниятимиз меҳнат бўлимига мурожаат қилган ҳар бир инсон кўнгли тўлиб, эртанги кунга янада ишончи ортсин, имкониятларимиздан бепул, беминнат фойдалансинлар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Миробод туман меҳнат бўлими фаолиятидан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Давлат дастури асосида

Ҳозирги пайтда жамиятимизда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган юмушлар муҳим ўрин тутади. Бу айниқса шаҳримизнинг барча туманларида фаолият кўрсатаётган меҳнат бўлимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Биз қилинаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Чилонзор туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг ишга жойлаштириш шўъбаси бошлиғи Дилором Тўрабекова билан суҳбатлашдик.

— Жорий йилда бўлимимиз «Иш билан таъминлаш» давлат дастури асосида иш олиб борди. 2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили» деб номланиши муносабати билан жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган аҳолини йиғиб, уларга керакли маслаҳатлар бериб, ишга ва ўқув юртларига йўлланмалар берилмоқда.

— Аҳолини иш билан таъминлашда ҳозирда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биз туманда фаолият кўрсатаётган барча ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бериб турадилар, биз эса шу маълумотларга асосланиб ишсиз фуқароларни ишга жойлаштирамиз. Ҳозирда туманда жами 1529 та бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари мавжуд. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 декабрдаги қарори асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида шу йилнинг сентябрь ойигача туманимизда махсус иш жойларининг энг кам 7 фоиз миқдори 65 та корхонада белгиланди. Ушбу махсус иш жойларига ҳозирга қадар 63 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

— Жамиятда ўз ўрнини топа олмаган, хусусан жазо муддатини ўтаб келган фуқароларни иш билан таъминлаш борасида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Жазо муддатини ўтаб келган шахсларни ишга жойлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 август ҳамда 2001 йил 22 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонларини бажариш юзасидан шу вақтгача 106 фуқаро меҳнат бўлимида қабул қилинди, шундан 31 киши иш билан таъминланди. Жазо муддатини ўтаб қайтганлардан 11 киши ўқишга юборилди.

— Ёшларни иш билан таъминлаш ва касб-ҳунарга йўналтириш ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Маълумки аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун бизнинг бўлимимизда ҳам бу борада бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан шу йилда 18 ёшгача бўлган ёшларнинг 88 нафари иш билан таъминланди. Ёшларимизни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича бизда бир қанча ўқув курслари ташкил қилинган. Ўқув курсларни тугатган ёшларни ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Бахтиёр КАРИМОВ

Мамлакатимизда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш мавсуми қизғин давом этмоқда. Мазкур тадбир Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 сентябрдаги «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётир.

Ҳарбий хизмат — шарафли бурч

Жойларда армия сафига чақирилувчиларни тантанали равишда кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу янгича анъана Қуролли Кучларимизда муддатли ҳарбий хизматга юборилаётган ҳар бир ёш йигит ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолмоқда.

«Тошкент» темир йўл вокзалида ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган чақирилувчиларни кузатишга бағишлаб ўтказилган кўп кишилик митинг ана шундай тадбирлар сирасидан. Унда ҳокимликлар, Қуролли Кучлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари қатнашди. Тадбир Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар вояга етган ҳар бир йигит учун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш ўз конституциявий бурчини шунчаки бажаришдан иборат бўлиб қолмай, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли ишга айланиши зарурлигини таъкидлар экан, армия сафига отланган ёшларни ҳарбий хизматни аъло даражада ўташга, доимо мард ва матонатли бўлишга, ота-оналаримиз шон-шуҳрати ва анъаналарини эъзозлаш, Ватан ва халққа садоқат билан хизмат қилишга даъват этди.

Фурсатдан фойдаланиб, чақирилувчилардан айримларини суҳбатга тортдик.

— Ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқлиги талаб этади, — дейди Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидан армия сафига чақирилган Зафар Жўраев. — Мен хизмат вақтимда ўзимда ана шу фазилатларни шакллантириш ҳамда она юрт олдидаги бурч ва қасамёдимга ҳамиша содиқ қолишга сўз бераман.

— Ҳарбий хизматга Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидан чақирилганман, — дейди Илҳом Ёқубов. — Аскарларга ҳамиша халқимиз Ватан тинчлиги посбонлари, юртини, элини ҳимоя қилишга қодир эр йигит деб қараб келган. Шуларни ўйлаганда, мана мен ҳам вояга етдим, энди менинг ҳам бутун халқимга нафим тегади, деган туйғудан хурсанд бўлиб кетар экансан. Мустақил Ўзбекистон давлатининг аскари бўлиш, очиғини айтсам, мен учун шарафли вазифа. Мамлакатимизнинг кўплаб ёшлари қатори мен ҳам Қуролли Кучларимиз сафида намунали хизмат қилиб, ўз халқимнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Сирғалилик Шуҳрат Абашев ўз қалб сўзларини ана шундай изҳор қилади:

— Армиянинг ўзига яраша мураккаб томонлари ва қийинчиликлари борлигини яхши тушунаман. Шунга қарамай, армия сафида хизмат бурчимни аъло даражада адо этиб, ўз фотиҳасини берган ота-онам, ёру дўстларим юзини ерга қаратмайман. Ҳарбий хизматни тугатибқайтганимдан кейинги орзуим Чирчиқ олий танк қўмондонлик-мухандислик билим юртига кириб ўқиш, уни муваффақиятли тамомлаш ва офицер деган шарафли касб эгаси бўлиш.

Бектемир туманидан ҳарбий хизматга чақирилган Ўлмас Худойбердиев, сирғалилик Ерлан Қулимбетов, Ҳамза туманидан Шерзод Қосимов ва бошқалар ҳам юқоридагига ўхшаш самимий ниятларини билдирди.

...Перронда тантанали марш садолари янгради. Чақирилувчилар ҳарбий қисм ва бўлинмалардан келган офицерлар бошчилигида шахдам қадам ташлаб, вагонлар сари йўл олди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ТРАНСПОРТ

Чех машинасозлари билан ҳамкорликда

Чехия Республикасида ишлаб чиқарилаётган электр транспорти воситалари замонавийлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли уларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳам чех транспортларидан бир нечтаси йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда. «Шкода-14ТР» русумли троллейбуслар ҳам шаҳримиз аҳолисига ёқиб қолди. Бу хил транспорт воситаларидан 135 таси ҳозир пойтахтимиз троллейбус йўлларида қатнаб, йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси чехиялик машинасозлар билан шартнома бўйича «Шкода» троллейбусларининг эҳтиёт қисмларини ҳам кўплаб олмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, келгусида «Шкода-14ТР» троллейбусларининг сони янада ортади. Келгуси йилда улардан 100 таси пойтахтга олиб келинади.

Чехиядаги «Шкода» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган метро вагонлари эндиликда Тошкентнинг ерости темир йўлларида қатнаб турибди. Бу замонавий поездлар техник умрини узайтириш тадбирлари ҳам кўрилди. Бунинг учун «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси «Шкода» чех фирмаси билан навбатдаги шартномани имзолади. Ўзаро келишувга мувофиқ чех машинасоз мутахассислари метрополитен вагонларини қайта таъмирлашда тошкентлик ҳамкасбларига яқиндан ёрдам берадилар.

Айни вақтда ерости темир йўл поездлари вагонларини созлаш учун ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар ҳам берилади.

Шундай қилиб, Чехияда ишлаб чиқарилаётган электр транспорти воситаларидан пойтахтликлар унумли фойдаланиш имконига эга бўладилар.

Акбар АЛИЕВ

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Шаҳримиз туманларида «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан белгилаб берилган йўналишлар бўйича иш олиб бораётган меҳнат бўлимларининг фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Куни кеча таҳририятимизга икки ҳамшаҳримиз келиб, меҳнат бўлимлари томонидан кўнгилдаги ишга, ўқишга жойлашгани ва газета орқали ўз миннатдорчилигини билдириш истаги борлигини айтишди.

Беминнат кўмак бермоқда

Назокат УСМОНОВА, пенсионер:

— Менинг набирам Шерзод мактабни битириб, ишга ҳам, ўқишга ҳам жойлаша олмади. Қаерга мурожаат қилишимни билмай Шайхонтоҳур туман меҳнат бўлимига кириб бордим. У ерда мени туман меҳнат бўлими раҳбари Маъсуда Каримова жуда яхши кутиб олди ва ўзининг йўл-йўриқ ва маслаҳатларини берди. Ҳозир набирам Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошида ташкил этилган ўқув марказида қисқа муддатли ўқув курсида ўқимоқда. Меҳнат бўлимида бўлганимда у ерга ёрдам сўраб, мурожаат қилиб келган жуда кўп одамларни кўрдим. Уларнинг барчаси меҳнат бўлимидан кўнгиллари тўлиб, ишга ёки ўқишга жўнаётганларининг гувоҳи бўлдим. Одамларга беминнат ёрдам кўрсатиб келаётган Шайхонтоҳур туман меҳнат бўлими ходимларига «Савобли ва хайрли юмушингиздан асло чарчаманг», дегим келади.

Феруза ВОҲИДОВА, шогирд:

— Мен тўққизинчи синфни битириб уч дугонам билан ўқишга кира олмадик, кўнглимиздаги иш ҳам топилмади. Сергели туман меҳнат бўлимида эса бизга «Усто-шогирд» йўналиши бўйича ҳунар эгаллашимиз, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқишимиз ва ҳунарли бўлишимиз мумкинлигини айтишди. Биз ҳозир тикиш-бичиш сирларини ўрганяпмиз, ҳам ишлаяпмиз. Бу бизга жуда маъқул. Одамлар оғирини енгил қилаётган, айниқса биз каби ёшларга эътибор қаратиб, ғамхўрлик кўрсатаётган Сергели туман меҳнат бўлими раҳбари Мактуба Ваҳобова ва уларнинг касбдошларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

(Ўз мухбиримиз)

САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН

Йўлланманинг баҳоси қанча?

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Бир савол билан сизларга мурожаат қилмоқдамиз: меҳнат бўлимининг йўлланмаси билан ишга борган фуқарони корхона раҳбари бизда иш ҳам, бўш ўрин ҳам йўқ деб қайтариб юборишга ҳаққи борми? Агар шундай бўлса, меҳнат бўлими томонидан берилган йўлланманинг баҳоси қанча бўлади? Шундай ҳол юз берса, қаерга ва кимга мурожаат қилиш лозим?

Юсуф РОЗИҚОВ,
Аҳмад МУҲСИМОВ.

Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки меҳнат бўлимлари корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олганларидан кейингина ихтисоси, касбига қараб фуқарони бўш иш ўрнига юборадилар. Агар шундай ҳол юз берса фуқаро қайси меҳнат бўлимидан йўлланма олган бўлса, ўша ерга бориб ишга жойлаша олмагани ҳақида маълумот бериши лозим. Корхона раҳбари эса йўлланмага ёзма равишда иш йўқлиги ва унинг сабаби ҳақида ёзиб бериши шарт.

* * *

Ишсизлик мақоми олганларга нафақа тўланадими?

Феруза ҲАКИМОВА.

Ҳа, ишсизлик мақоми олганларга ишсизлик нафақаси тайинланади. Унинг миқдори эса ўша фуқаронинг ёши, неча йиллик меҳнат стажи ва охирги йилларда қанча маош олиб ишлагани билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади. 6 ойгача ишсизлик нафақаси тўланади.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Сизлардан ҳар куни турли мавзуларда телефон кўнғироқлари бўлиб туради. Улардан айримларини (маошнинг вақтида берилмагани, бесабаб ишдан бўшатиб юборилганлик, аслида 50000 минг бўлган маошнинг 20000 минги қўлга олингани ва ҳоказо) эшитганда беихтиёр ҳали ўз ҳақ-ҳуқуқимизни яхши билмаслигимиз ҳақида ўйлаб қолсан киши. Ваҳоланки, шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва туманлардаги меҳнат бўлимларида сизнинг барча саволларингизга жавоб берувчи, ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш борасида давлат меҳнат ҳуқуқи инспекторларининг хизматлари йўлга қўйилган. Ҳар қандай масала юзасидан уларга мурожаат қилсангиз батафсил жавоб оласиз. Ахир инсон ҳуқуқлари Конституция орқали ҳимояланган мустақил юртда яшаяпмиз. Яъни: ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан, мажбурий меҳнатдан ҳимояланиш, маданий ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқлари Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Яқинда республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида «Экосан» халқаро жамғармаси, республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати ва республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган «Соғлом муҳит — соғлом қарилик» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

"Соғлом муҳит - соғлом турмуш"

Учрашувда ҳар уччала жамоа аъзолари, «Экосан», Аёллар ва фахрийлар уюшмалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда пансионат директори, тиббиёт фанлари номзоди Рустам Бекназов ва «Экосан» Халқаро жамғармасининг раҳбари Юсуф Шодиметовлар сўзга чиқиб, кексаларни бу йилги мубарак йил билан табриклаб уларга инсонпарварлик ёрдамларини топширдилар. Республика Байналмилал маданият маркази директори Карим Расулов, тадбиркор Миржалол Мирҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг бошлиғи Алишер Иноқов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети проректори, «Экосан» Аёллар уюшмаси аъзоси Дилором Бобожоновалар ҳам сўзга чиқиб, амалдаги йилнинг аҳамияти ҳақида тўхталдилар.

Учрашув сўнгида пансионат қариялари учун санъат усталари ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган рус, татар, корейс, украин, поляк маданият марказлари қошидаги бадиий дасталар иҳросида катта концерт дастури намойиш этилди.

Ўткир САИДОВ

Аҳолига хизмат кўрсатмоқда

Юртимизда фуқаролар мушкулини осон, узоғини яқин қилиш мақсадида турли савобли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Юнусобод тумани «Баҳодир ошёни» қаҳвахонаси рўпарасида хўжалик моллари дўкони очилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Ўз фаолиятини юрита бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бу дўконга ташриф буюрувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаблари эса дўконда ҳар хил турдаги халқ истеъмол моллари мавжудлиги, нисбатан арзон нархлар ҳамда намунали хизмат кўрсатилаётганидир.

— Ушбу дўконни ишга туширишда ташаббускорлик қилганларга ташаккур айтамиз, — дейди харидорлардан бири. — Унинг айнан ана шу ерда очилганлиги бизга қўл келди, чунки яқин-атрофда бундай дўкон йўқ ва арзимаган нарса учун ҳам катта бозорларга бориб келишга мажбур эдик. Энди бунга ҳожат қолмади, шағалдан тортиб, эшик-деразалар учун ошиқ-мошиқми, ошхона ускуналари дейсизми ҳаммасини шу ернинг ўзидан топиш мумкин.

Бу ерга нафақат маҳаллий аҳоли, балки яқин-атрофдан ҳам ташриф буюрувчилар кўп бўлиб, улар дўкон хизматларидан жуда мамнун эканликларини айтмоқдалар.

Фозила ТОШПЎЛАТОВА

Махсус ўқув машғулотлари

Тошкент давлат авиация институтининг хорижий олий ўқув юртлари билан алоқалари кенгайиб бормоқда. Олий ўқув юртида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг очилиши билан бундай ҳамкорлик янада кучайди.

Шу ўқув йилидан эътиборан факультет Россия Федерациясидаги фуқаро авиацияси академияси билан кооперация асосида ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Ўзаро келишувга биноан академия талабалари учун махсус ўқув машғулотлари ташкил этилди.

«Транспортда юк ташиш ва бошқарув», «Транспорт иқтисодиёти ва бошқарув», «Авиацион бизнесни бошқариш» деган ихтисосликлар бўйича ўтказилаётган машғулотларга қизиқиш катта бўлмоқда.

Бу каби сабоқлар бўйича тузилган ўқув дастурларида таълимни амалиёт билан бирга қўшиб олиб бориш ҳам кўзда тутилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

АНЖУМАНЛАР

Саноат экологиясининг долзарб масалалари

«Саноат экологияси», «Саноат менежменти» каби ибораларнинг кимё-технология йўналишида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Зеро, бу соҳада олиб борилаётган изланишлар қатор янги технологияларни яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент кимё-технология институтида бўлиб ўтган «Кимё ва технология-2002» республика илмий-техника конференциясида «Саноат экологияси» ва «Саноат менежменти» бўйича амалга оширилаётган муҳим янгиликларга алоҳида аҳамият берилди.

«Сув таъминоти ҳамда тупроқ таркибини яхшилаш учун янги материаллар», «Фосфогипсни қўллашнинг замонавий усуллари» деб номланган изланишлар асосида тайёрланган илмий маърузалар қизиқиш билан тингланди. «Марказий Осиё атроф-муҳити муаммоси таҳлили», «Саноат оқава сувларини тозалашда кимёвий технологиялар»нинг тутган ўрни» масалаларига доир илмий чиқишларда ҳам саноат экологиясининг қатор долзарб муаммолари ёритилди.

Саноат менежменти бўйича қилинган маърузалар ҳам кун тартибидан ўрин олди. «Кимё саноати корхоналарида молиявий ишларни мукаммаллаш», «Пахтани қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш муаммолари», «Ўзбекистон иқтисодиётида Япониянинг тутган ўрни» тўғрисида қилинган илмий чиқишлар ҳам ўзининг долзарблиги билан ажралиб турди.

Анжуман материалларини тўплам қилиб чоп этиш ҳам кўзда тутилди.

Аҳмад АББОСОВ

ПОКЛАНИШ

Меҳр-мурувват ва оқибат ойи

Бугун бутун ислом оламидаги каби бизнинг республикамизда ҳам меҳр-мурувват ва покланиш, оқибат рамзи ҳисобланмиш Рамазон ойи бошланди. Биз шундай қутлуғ кунлар арафасида Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Қўчқорбек ўғлиларидан Рамазон ойининг файзу баракотлари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. — Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вобаракотуҳ. Азиз «Тошкент оқшоми» газетаси мухлислари, муҳтарам ҳамшаҳарлар. Ҳаммаларингизга Рамазони шариф муборак бўлсин. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом Рамазони шарифни баракот ва саховат ойи дея марҳамат қилганлар. Шундай улуғ ойда ҳар бир мўмин-мусулмон яхшилик қилишлиги, меҳру мурувват кўрсатишга ҳаракат қилиши жоиздир. Чунки, бу ойда қилинган кичкина яхшиликларга ҳам жуда катта ажру савоблар бор. Бу ойнинг муборак бўлишлиги, ҳаммамизга Оллоҳнинг раҳмату баракотлари ёғилиши учун биринчи навбатда ота-оналаримизга, қариндош-уруғларимизга, қўни-қўшниларимизга яхшилик тилаб уларга қўлимиздан келганча мурувватлар кўрсатишимиз шартдир. Энг муҳими мустақил Ватанимиз тараққий этгани сари маънавиятга, қадриятларимизга, алалхусус муқаддас динимизнинг инсоний ва ахлоқий жиҳатларига кундан кунга аҳамият бериб борилмоқда, алҳамдулиллоҳ.

Бизнинг Рамазон ойида қиладиган дуоларимиз қабул бўлиши учун қариндош-уруғларимиз, ёру биродарларимиз, қўни-қўшниларимизнинг орасида бирорта ҳам аразлашган киши қолмаслиги лозимдир.

Айни пайтда маълум сабабларга кўра узоқлашиб қолган қариндошларимиз билан муомалаларимизни яқин қиладиган, меҳр-оқибат ришталарини боғлайдиган ҳам Рамазон ойидир. Бизлар яна бир муҳим нуқтага аҳамият қаратмоғимиз керак. У ҳам бўлса оғзимиздан ғийбат, кераксиз сўзлар чиқмаслиги, гапирадиган бўлсак фақат эзгу ишларга, савоб юмушларга йўллайдиган чиройли сўзларни сўзлашимиз даркордир. Бироз қийналиб қолган кишилар бўлса уларга қўлимиздан келганча ёрдам бермоғимиз ҳам савобли амалларимиз қаторига киради. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом «Кимки Рамазон ойида ўзини ахлоқий жиҳатдан покламаса, кейин бундай фазилатга эга бўлиши қийин», деган мазмундаги Ҳадиси муборакни баён қилганлар. Демак ҳар биримиз нафсимизни ислоҳ қилиб, ахлоқий-руҳий жиҳатдан юксалмоғимиз улуғ Рамазон кунларида ғаниматдир. Аллоҳ субхонаҳу ва таоло бундай муборак кунларнинг баракотидан Ватанимизни тинч-осойишта, хонадонларимизни файзли, ҳар биримизни икки дунёда саодатли қилишини дуо айлаймиз. Барчаларимизга бу улуғ кунлар муборак бўлсин.

Дилмурод ИСМОИЛОВ ёзиб олди.

Рамазон тақвими

Рамазон куни	Ноябрь-Декабрь	Ҳафта куни	Саҳарнинг тугаши	Ифторлик вақти
1	6	Чоршанба	5:18	17:14
2	7	Пайшанба	5:19	17:13
3	8	Жума	5:20	17:12
4	9	Шанба	5:22	17:11
5	10	Якшанба	5:24	17:10
6	11	Душанба	5:26	17:09
7	12	Сешанба	5:27	17:08
8	13	Чоршанба	5:28	17:07
9	14	Пайшанба	5:29	17:06
10	15	Жума	5:30	17:05
11	16	Шанба	5:31	17:04
12	17	Якшанба	5:32	17:03
13	18	Душанба	5:33	17:02
14	19	Сешанба	5:34	17:01
15	20	Чоршанба	5:35	17:01
16	21	Пайшанба	5:36	17:01
17	22	Жума	5:37	16:59
18	23	Шанба	5:38	16:58
19	24	Якшанба	5:39	16:58
20	25	Душанба	5:41	16:57
21	26	Сешанба	5:43	16:57
22	27	Чоршанба	5:45	16:57
23	28	Пайшанба	5:46	16:56
24	29	Жума	5:47	16:56
25	30	Шанба	5:48	16:56
26	1	Якшанба	5:49	16:56
27	2	Душанба	5:50	16:55
28	3	Сешанба	5:51	16:55
29	4	Чоршанба	5:52	16:55
30	5	Пайшанба	5:53	16:55

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

Ҳаётда ёркин из қолдирди

Пойтахтимизнинг кўпчилик аҳолиси Ҳуснитдин Асомов номини яхши билади. Ҳуснитдин ака бугун ҳаёт бўлганларида кўплаб дўстлари, қариндошлари, шогирдлари, фарзандлари, келинлари ҳамда 14 нафар набиралари даврасида ўзларининг 70 ёшлик таваллудларини нишонлаётган бўлар эдилар. Афсуски, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор, заҳматкаш инсон Ҳуснитдин Асомов қисқа, лекин жуда ёркин ва мазмунли умр кўрди...

Ҳ. Асомов Тошкент Давлат техника университети (собиқ Политехника институти)нинг қурилиш факультетини 1955 йили битириб бунёдкорлик ишларига шўнғиб кетди. Қурилиш ташкилотларида ишбоши, бош муҳандис сифатида фаолият кўрсатди. Ўз касбига фидойилигини қисқа муддатда намойиш этиб, орадан икки йил ўтар-ўтмас қурилиш бошқармаларидан бирига раҳбарлик қила бошлади.

Унинг улкан ташкилотчилик қобилияти 1960 йили давлат ва жамоат ишларига етаклаб келди. 1963 йили Ҳуснитдин Асомов Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг раиси вазифасида фаолият бошлади.

Пойтахт шаҳарнинг юки, юмуши ҳам ўзига яраша. Қолаверса, кўп тармоқли жуда катта хўжалик. Ҳуснитдин Асомов ўз фаолиятини шаҳар хўжалигини ўрганишдан бошлади. Қатор ечимини кутаётган муаммоларга дуч келди. Булар аҳолини эски пастқам уйлардан замонавий кўп қаватли уйларга кўчириш, шаҳарни ободонлаштириш, коммунал хизматини изга солиш, транспорт хизматини яхшилаш кабилардан иборат эди.

У раҳбар сифатида ушбу масалаларни изчил ҳал этишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди. Иш бир маромда, режали кетаётган бир пайтда 1966 йил 26 апрель куни Тошкентда катта фожиа юз берди. Тарихга «Тошкент зилзиласи» деб кирган бу машъум кунда Тошкент вайронага айланди. Минглаб аҳоли уй-жойсиз қолди. Қатор маъмурий бинолар, шифохоналар, маданий муассасалар, саноат корхоналари ишдан чиқди. Саккиз баллдан ортиқ ер силкиниши пойтахтга анча зарар келтирган эди. Зудлик билан зилзила оқибатларини тугатиш ҳукумат комиссияси, республика ва шаҳар штаблари тузилди. Шаҳар штабига Ҳ. Асомов раҳбар этиб тайинланди. Иш кўлами кўпайгандан кўпайиб кетди. Бевосита тезкор кўрилган чоралар туфайли зилзилалар оқибатларини тугатиш ишлари бошланиб кетди. Бошпанасиз қолган аҳоли палаткаларга жойлаштирилди. Мактаб ўқувчилари қўшни республикаларга дам олишга жўнатилди. Келаётган ёрдамчи кучларни жойлаштириш ва уларни иш билан таъминлаш масаласи ҳал этиб борилди. Ҳ. Асомов Йўлдош шаҳарча барпо этилишида муносиб ҳисса қўшди. Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда Ҳ. Асомовнинг хизматлари катта бўлганлигини эътироф этиш лозим.

1970-йилларга келиб Тошкентда метро қуриш масаласини ўрганиб чиқилиши жадаллашди. Ҳуснитдин ака бу ишга ҳам қатъият билан киришди. Махсус комиссия тузилди. Ушбу масала жуда қисқа фурсат ичида чуқур ўрганилиб, Тошкентда метро қуриш мумкин деган якуний хулоса чиқарилди.

Мазкур масалага бағишланган республика комиссияси йиғилишида тегишли ташкилотлари билан амалга ошириладиган лойиҳавий музокаралар, келишув ва битимларнинг бажарилиши унинг зиммасига юкланди...

Орадан кўп вақт ўтмай «Тошметрокурилиш» ташкилоти тузилиб, метрополитеннинг биринчи йўналишини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳ. Асомов 1972 йилдан то умрининг охиригача (1992) Турар жой ва биноларни намунавий ҳамда тажрибавий лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот ва лойиҳа ҳудудий институтига раҳбарлик қилди. Лойиҳачи сифатида бунёдкорлик ишларини давом эттирди. Пойтахтимиздаги бир неча метро бекатлари, шунингдек меҳмонхоналар, Авиасозлар маданият саройи каби қатор маскан ва иншоотлар Ҳ. Асомов лойиҳаси асосида бунёд этилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Шу билан бир қаторда у зилзилабардош бино ва иншоотларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бориб, номзодлик диссертациясини ҳам ёқлашга муваффақ бўлди.

Ҳ. Асомов ёниб яшади. Бир умр бунёдкорлик билан шуғулланди. Ўзидан ёркин из қолдирди. Бу излар вақт ўтган сайин азиз ва қадрли бўлиб бораверади.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ

МАЪНАВИЯТ

Муқаддас бурчимиз

Буюк Истиқлолнинг бизга ато этган маънавий неъматларидан бири — ўтган авлод-аждодларимиз руҳларини шод этишдир. Ўтмишни ва ўтганларни хотирлаб туриш — керак. Негаки, ҳар бир ўтмиш, ҳар бир ўтган аждодларимиз — муайян бир тарихий ҳодиса таркибига киради.

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ҳудудидан оқиб ўтаётган Бўзсув дарёси бўйида барпо этилган Хотира Майдони аллақачон катта зиёратгоҳга айланиб кетди. Республикамизнинг барча туманларидан жамоатчилик вакиллари, ҳатто оилавий тарзда бу ерга келиб Хотира Майдонида тиловат қилаётганларни доимо кўришимиз мумкин. Бугина эмас, турли сабаблар билан Тошкентга келган кўплаб хорижликлар ҳам Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа қўшни республикалардан ҳам кўплаб одамлар шу ерни зиёрат қилгани келишаётгани сир эмас. Дини бир, тили бир, кўплаб урф-одатлари бир бўлган Марказий Осиё халқларининг ўзига хос миллий ва умумий муштаракликларидан бири ҳам шудир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ буюк боболаримиз таваллуди кунларини нишонлаш, Темурийлар тарихи музейини ташкил этиш, жаҳон маънавияти ривожига ўз таъсирини ўтказиб келаётган аждодларимиз асарларини чоп этиш, улар хотирасини доим эъзозлаб туриш ҳақида Юртбошимиз қабул қилган Фармонлар фақат ўзимиздагина эмас, бутун онгли инсоният қалбига нур берди, мамнуният ҳиссиётларини оширди. Негаки, жаҳонда инсоният ва жамият тараққиёти, халқ ва давлат бахти-саодати учун кураш вазифаси ҳамиша буюк сиймолар зиммасига тушган, буни халқлар ҳам, тарих ҳам ҳеч қачон унутмайди.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек ва уларнинг қатор ҳамфикр сафдошлари, кўплаб ватандошларимиз мустабид тузум пайтида ноҳақ айблаб отиб ташланганлиги, уларнинг халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида қилган хизматларини хотирлаб туриш — биз тирикларнинг бурчимиз деб ҳисоблашимизнинг боиси ҳам миллий тарихимизга бўлган ҳурматимиздир. Уни қайтадан тиклаш имкониятини берган Истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга доим бор-чамизни даъват этиб туради! Зеро, буюк аждодларимизни ҳурмат билан хотирлаш — ўз ватанимиз, халқимиз, порлоқ келажагимиз учун имкониятимиз борича саъй-ҳаракатларни амалга оширишни бизга олий мақсад қилиб қўяди. Ҳар қандай ҳурмат ва эҳтиром билан ўтганларни хотирлашдан мурод ҳамда бурчимизнинг моҳияти ҳам айни шундадир.

Гулчеҳра АЛИЕВА, Тошкент Давлат юридик институти ўзбек тили ва адабиёт кафедрасининг катта ўқитувчиси.

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА

Бўёқларга кўчган туйғулар

Фақат эзгуликка ошно, гўзалликка ташна қалблардагина санъатнинг соҳир оламига интилиш ҳисси жўш уриб туради. Бинобарин, санъат сирларини пухта эгаллаган юксак истеъдод эгалари билан суҳбатлашиш жараёнида уларнинг самимияти, дилкашлиги ҳар қандай мусоҳибни ўзига ром этади. Таниқли рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми Мирза Анвар Мирсоатовнинг ижодхонасида бўлганимизда бунга ич-ичимиздан амин бўлдик.

Яқинда у киши ўз уйларида манзара асарлари галереясини очганларини эшитгандик. Кўргазманинг очилиш маросимида қатнаша олмаган бўлсакда, рассом билан дилдан суҳбатлашиб, нимадир ёзиш истаги Мирза Анвар ака хонадони томон етаклади. Сеҳрли мўйқалам соҳибини илк бор кўргандаёқ қалби ёруғлик ва эзгуликка тўла, покиза инсон билан учрашиб турганимизни дилдан ҳис қилдик.

Камсуқумлик, хокисорлик мўйқалам аҳлига хос хусусият. Табиийки, бу хислатлардан қаҳрамонимизни ҳам истисно қилмаймиз. Бироқ, тасвирий санъат усталарининг сийрати бир-бирига яқин бўлса ҳам, чизган суратлари, яратган асарлари умуман бир-биридан фарқ қилади. Чунки, санъат — янгилик яратишни, ўзига хосликни тақозо этади. Рассомнинг кенг ва ёруғ шахсий кўргазма залида айрича тартиб ила жойлаштирилган санъат асарларини томоша қилиш жараёнида Мирза Анвар аканинг ижодидаги бетакрор жозиба, беқиёс маҳоратнинг шоҳиди бўлдик.

Залдан фақатгина манзара асарлари ўрин олган эди. Суратларнинг барчасида она юртимиз табиатининг гўзал жилваси, жаннатий таровати бутун бўй-басти ила ўз аксини топади. Муаллиф ўз асарларини яратишда борлиққа мусаввирона теран нигоҳ билан боқади. Табиат манзарасидаги оддий нигоҳ билан илғаш мумкин бўлмаган қирраларни яққол кўра олади. Борлиқнинг биз эшита олмайдиган сирли оҳанглари-ни юракдан ҳис этади ва бўёқлар «тилига ўгириб» рангин наволар яратади. Қисқаси у оддий бўёқларга тил ато этиб уларни «куйлай олади».

Рассом ижодида табиатнинг йил фаслларидаги турфа ўзгаришлар ўзининг жонли ифодасини топган. Унинг «Баҳор» номли асарида фасллар келинчаги ўз бисотини ёйган сокин қишлоқ манзараси акс этган бўлса, «Қишки Чимён» сувратида қишнинг замҳарир кўрпаси остида мудраётган залворли чўққилар, ҳорғин қир-адирлар тасвирланган. Бироқ, рассом ижодида олтин куз мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг заъфарон фаслнинг тиниқ манзаралари инъикос топган сувратларини томоша қиларкансиз, қалбингизга беихтиёр маҳзун ҳис-туйғулар оқиб кираётганини сезмай қоласиз. Куз фаслига алоҳида урғу беришнинг асосий боисини мусаввирнинг ўзи шундай изоҳлайди.

— Мендан бу хусусда кўп сўрашади. Очиғи, кузни жудаям ёқтираман. Тўғри, кўпгина ёзувчи ва шоирлар кузни хазон фасли, ноумидлик ва ҳижрон дамларига қиёслашади. Ҳатто буюк Пушкин ҳам «зерикарли онлар бошланди» деганди ўзининг «Куз» шеърида. Мен эса бу борада қалам аҳли билан келишолмайман. Баҳор минг гўзал, латофатли бўлмасин у ҳам куз фаслининг ибтидоси, таъбир жоиз бўлса, унинг «ёшлиги»дир. Куз эса табиатнинг энг камолга етган, етилган палласи. Бу палладa борликдаги ҳамма нарса ўзининг асл қиёфасини кашф этади. Рассом учун эса худди ана шу аслият муҳим.Баҳорнинг алдамчи тароватидан кўра хазон фаслининг ана шу заъфарон гўзаллиги менга кўпроқ илҳом бахш этади. Куз чоғи юрагимда жўш ураётган кечинмаларимни ўз асарларимга кўчираман.

Мирза Анвар аканинг кўпгина ижод намуналари, хусусан «Олтин куз», «Қашқарбуқа», «Манзара», «Кумушкон» каби ўнлаб асарларида ўзининг ана шу соҳир кечинмаларини тўла маънода сингдира олган. Бу сувратлардаги жозиба сеҳр ва аллақандай сирлиликнинг асл сабабини ҳам рассомнинг кузги ошуфталигидан излаш лозим.

— Сиз, асарларингизда ўзига хосликни қай тариқа ифодалашга ҳаракат қиласиз?

— Мен манзарани айнан ўзидек тасвирлашга интилмайман. Мен чизган сувратларда объект ўз қиёфасидан бир мунча йироқ бўлиши, соддароқ айтганда, ўхшамаслиги мумкин. Бироқ, борлиқнинг рангин наволарини топишга ҳаракат қиламан. Асосий мақсад ҳам шу.

Дарҳақиқат, мусаввир асарларидаги мусиқийлик ҳар қандай мухлиснинг қулоқлари остида табиийликнинг янгроқ овозини жаранглатади, руҳиятида ажиб енгиллик уйғотади. Бундай нодир истеъдод эса ҳар қандай рассомга ҳам насиб этмайди. Ижоднинг энг юксак чўққиларини забт этиш учун инсон ўз умрини изланиш, янгиликка интилишга, умуман, санъатга бахшида этиши лозим. Анвар Мирсоатов

ҳам ана шундай санъат фидойиси, ўз касбининг чуқур билимдони.

У ёшлик чоғларидан тасвирий санъатга бу қадар меҳр қўймаганида, бу соҳанинг машаққатли йўлини сабот билан босиб ўтмаганида, эҳтимол бугунгидек юксак мақомга эришмаган бўларди.

Анвар Мирсоатов 1939 йилда пойтахтда таваллуд топди. Ўқувчилик йилларидаёқ у тасвирий санъатдаги иқтидори билан тенгдошларидан фарқланиб турган. У йигирма ёшида ўзининг «Яна баҳор келди» асари билан Бутуниттифоқ кўргазмасида иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Дастлаб Беньков номидаги рассомчилик билим юртини, кейинроқ Низомий номидаги педагогика институтининг (ҳозирги Тошкент Давлат педагогика университети) бадиий графика факультетини тамомлади. Йиллар мобайнида Мирза Анвар Мирсоатовнинг мўйқалами сайқал топа борди. Юрак қўри билан ишланган ўнлаб манзарали асарлари рассомни нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларга ҳам танитди. Унинг бир қатор суратлари жаҳоннинг етакчи давлатларидаги санъат музейлари, шахсий кўргазма ва коллекцияларда сақланмоқда. Рассомнинг ўзи Туркия, Германия каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлди. У ердаги ҳамкасблари ижоди билан яқиндан танишди. Ҳатто, хорижда ҳам у қаламини қўлидан қўймади, ўша мамлакатлар табиати манзарасини ўз услубида тасвирлаб қайтди.

Бироқ, у чин маънода Она Ватан куйчиси, у ўз ижодида жонажон диёримизнинг жаннатмонанд нафосатини, гўзаллигини тараннум этади. Эл-юрт олдидаги бу юксак хизматлари ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Юртбошимизнинг фармони билан Мирза Анвар Мирсоатов мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлди.

Бундан буён ҳам камолотнинг янгидан янги чўққиларини забт этишда, ўзбек санъатининг равнақига беқиёс улуш қўшиш йўлида асло чарчаманг, Анвар ака!

Рустам ЖАББОРОВ

СУРАТЛАРДА: мусаввир ижодидан намуналар.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Ибратли ҲИКОЯТЛАР

Донишмандлар: «Устозлар ҳимматига қулоқ сол. Уларнинг панду-насиҳати сенга йўлчи юлдуз бўлиб, хизмат қилади», деб уқтиришади. Қуйидаги ана шундай ибратли ҳикоят ва ўгитлардан ўзингизга тегишли хулоса чиқариб олар-сиз, деган умиддамиз.

Бир куни Анушервон ўзи танҳо ўтирган эди. Кўп ўтмай унинг олдига Юнон, Мубад, Фарруҳзод, Бузургмеҳр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

— Бу катта анжуман бўлди. Келинглар, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтайлик. Токи бошқалар ундан ибрат олсин!

Сўнг Мубадга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Мубад деди:

— Икки нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, ҳунар доно билимдан, яхши иш яхши сўздан афзал.

Анушервон:

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Мубад давом этди:

— Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлсаю иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабидир.

Анушервон Хуршидга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Хуршид:

— Жаҳонда икки нарса бор. Ундан ҳеч нарса яхши эмас. Биринчиси, хурсандлик ва иккинчиси беозорлик! — деди.

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Хуршид:

— Ҳар ким борига қаноат қилиб, хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи тушмайди. Кимки ҳеч кимсага озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан хавф етмайди! — деди.

Анушервон Бузургмеҳрга қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сўради.

Бузургмеҳр:

— Эй Анушервон, одамлар қуйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчиликка етмайдилар. Масалан, борига қаноат қилмаса, етиша олмайдиган нарсага интилса, ўзга киши қўлида бўлган нарсага очкўзлик билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан яна ҳам кенгроқ қилиб сўзлашни сўради. У деди:

— Хурсанд шундай кишики, нима топса қаноат қилади, топганига шукр қилиб, умрини ғамсиз ўтказади. Очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳамиша кўнгли ғамга бемор бўлади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Юнон шундай деб жавоб берди:

— Етти нарса борки, ҳар ким бу етти нарсага амал қилса, дунёда яхши отлиқ бўлади. Биринчиси, дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса, иккинчиси, ўз жойида бўлса, учинчиси — адолатли бўлса, тўртинчиси, сабрли бўлса, бешинчиси, биркесар бўлмаслик, олтинчиси, фойдадан ўзгаларни бахрадор қилса, еттинчиси, камтарлик қилса.

Анушервон ундан бу сўзларни кенгроқ тушунтиришни сўради. Юнон деди:

— Маслаҳат марваридга ўхшайди. Одамлар тош бўлса, улар орасидан бирорта нодир сўз — марварид чиқиши мумкин. Ишни ўз жойида, муносиб ҳолда қилмасанг, зиёни етади. Адолатли иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгишнинг калитидир. Биркесарлик, қайсарлик энг ёмон хислат. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва ҳурматини қўзғатадиган ёқимли одатдир!

Анушервон бу ҳикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

* * *

Бир донишманд насиҳат қилиб ёзган китобларининг бирида, жумладан, шундай деган эди.

— Эй одам, сен ҳеч қачон улуғлик кетидан қувма! Улуғликни излаш, барчадан устун бўлишни хоҳлаш чин инсон хислати эмас. Кийиниш ва ясан-тусан билан ўзингни кўрсатишга уринма! Чунки бундай қилиш ясама обрў талаб қилишдир. Ўтаётган умрингдан бехабар бўлма, уни ўқиш ва ўрганишга сарф қил! Бахтиёрлик ва саодатлик асосини қўлга киритишга урин! Билгинки, ҳаёт доимо зийрак бўлиб киши ўзидан огоҳ бўлиши учун. Уни ейиш ва ичиш, ухлаш учун деб ўйлама!

* * *

Қайс ибн Соиданинг ўз ўғлига қилган насиҳати. У ёзади:

— Эй ўғлим, шундай масал бор: «Сен менга зулм қилсанг, сенга ҳам қилгувчилар бор». Шу мақолга амал қил, ҳеч кимга зулм қилма! Молу давлатдан хазина қилмай, илму ҳунарни хазина қил! Дўсту биродарларингни ўзингдан узоқлаштирма, ҳар бир ишни маслаҳат билан адо қил!

Бир кишига ҳадя олиб боришса, у асло, қабул қилмас эди. Ундан сабабини сўрадилар. У айтди:

— Ҳадя беришнинг икки сабаби бор. Бири шуки, биздан ҳадя берувчига ҳеч қандай манфаат етмай қолган. Шунинг учун ҳадя эвазига биздан бирор нарса талаб қилмоқчи. Иккинчиси шуки, биздан бирор манфаат кўрган. Ҳадя орқали яна ҳам каттароқ фойда топмоқчи! Ҳар икки ҳолда ҳадя олиш нодурустдир!

* * *

Аҳмад бин Ҳолид айтади:

— Сен ўзингни саховат ва карам эгаси деб билмагунингча шижоатли деб тушунма. Агар шижоатли бўлсанг ўзингни саховат ва карам эгаси бўлишга мажбур қилар эдинг. Ўзинггаки кучинг етмаса, ўзгага қандай таъсир қила оласан?!

Айтадилар:

— Кимки ўз дўстларига нисбатан макру ҳийла билан иш тутса, дўстлари унга нисбатан ёлғонни «туҳфа» қиладилар.

* * *

Бир улуғ киши айтади:

— Энг яхши таъна шундай таънаки, зарар учун эмас, тарбия учун айтилган бўлади. Энг зарарли таъна шундай таънаки, у таълим учун эмас, мулзам қилиш учун бўлади.

Татиб кўринг, таъми тилингизда қолади.
Рустам Ходиевич олган сурат-лавҳа

— Биз ўқийдиган газеталар қолдими? — дедим ҳазил аралаш Собиржон билан ҳол-аҳвол сўрашар эканман.

— Э, нимасини айтасиз ака, сиз ўқийдиган газеталарнинг бозори чаққон, — деди менга юзланиб Собиржон. — Лекин шундай бўлса-да, сиз учун «Тошкент оқшоми», «Даракчи» ва «Футбол экспресс» газеталарини олиб қўйганман. Олинг ака, мазза қилиб ўқинг. Зеро, «Оқшом»нинг бугунги сонида бир-биридан ўқимишли мақолалар кўп экан.

— Ўзлари ҳам «Тошкент оқшоми» мухлисими?! — дедим ҳазиломуз.

— Бўлмасамчи! — деди ҳайрат билан менга боқиб Собиржон, — эсимни танибманки, «Оқшом» шайдосиман. Биласизми, нега шу газетани севиб мутолаа қиламан. Чунки ўқувчини ўзига жалб қиладиган ранг-баранг материаллар кўплаб босилади. У шу жиҳати билан ҳам бошқа газеталардан тубдан фарқ қилади. Шу боисдан ҳам бўш қолдим дегунча «Оқшом»ни варақлашга тушаман. Ундан ўзимга керакли мақолаларни топиб, қайта-қайта ўқиб чиқаман, тегишли хулосалар чиқараман.

Гап газета ва журналлар, уларнинг савияси ва ўқимишлилиги ҳақида борар экан, шу ўринда қайси нашрларнинг бозори чаққонлигини билиш учун Собиржонга мурожаат қилдим.

— Биласизми, асосан бошқотирмалар эълон қилинадиган «Даракчи», «Тасвир», «Хумо», «Заковат», газеталари ҳамда «Санам», «Саодат», «Муштум» журналларининг бозори чаққон. Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, «Тошкент оқшоми» ва «Оила ва жамият» газеталарининг

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

Ўз ўрнини топган йигит

Ҳар тонг ишга келаётиб одатим бўйича метронинг «Мустақиллик майдони» бекатидан чиқаверишда, шундоққина автобуслар тўхтайдиган бекат ёнида жойлашган «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамиятига қарашли газета ва журналлар билан савдо қиладиган дўкон олдидан ўтаман. Ушбу дўконда мен севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» ва бошқа харидоргир газеталар доимо топиладиган, мижозларини ҳамиша очиқ чеҳра билан қарши оладиган дилкаш ва самимий инсон — Собиржон деган бағри кенг, танти йигит ишлайди. Бу сафар ҳам унинг олдидан жимгина ўтиб кета олмадим.

ҳам мухлислари кўп. Мана шу нашрлар ҳисобига ойлик режаларимни ошириб бажаряпман.

— Ёшлар орасида ҳам газета ва журналларга талаб каттами?

— Очиғини айтганда ёшлар асосан спорт йўналишидаги нашрларни кўплаб харид қилишади, ижтимоий-сиёсий газеталарни унчалик хушлашмайди, — деди куюнчаклик билан суҳбатдошим. —Бинобарин, ёшлар ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва адабий-бадиий нашрларни мутолаа қилсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди. Бу уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда, маънавиятини бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда бирон-бир ҳунар ўрганишни ва билим олишни истамай балоғат етганда ҳам ўзи яшаб нафас олиб турган жамиятига ва давлатига нафи тегмай ҳали ҳам ота-онасининг «қарамоғи»да юрган йигит-қизларни кўриб жудажуда афсусланиб кетаман. Ҳолбуки, ҳукуматимиз раҳбарлари уларнинг билим олиши ва севган касбларини эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратмоқда.

Шу топда «Нега бу тўрт мучали соғ ва навқирон йигит бўй-басти ва лаёқатига яраша касбни танламаган?» деган ўй хаёлимдан ўтди. Кейин эртасига ишга ҳассага таяниб келаётганини кўриб унинг ногирон эканлигини билдим ва миямга келган бу ўйдан пушаймон бўлдим.

— Бунинг тарихи узоқ, — деди оғир хўрсиниб Собиржон, гўё хаёлимдаги фикрни уққандай. — Ниятим олий маълумотли етук мутахассис бўлиш эди. Дастлаб Акмал Икромов туманидаги 124-ўрта мактабни тугатиб савдо техникумига ўқишга кирган эдим. Сўнгра техникумни тамомлаганимдан сўнг 1979 йилда ҳарбий хизматга чақирилдим. Приморье ўлкасида йигитлик бурчимни ўтаб юрган чоғимда оёғимни совуқ олдирган эканман шекилли, шундан кейин у тез-тез оғрийдиган бўлди. Шифокорларга қаратдим, халқ табобати усулларини қўлладим. Афсуски, барча муолажаларнинг бирон-бир нафи тегмади. Натижада ногирон бўлиб қолдим. Устозим Мирослав Юртовнинг тавсияси билан шу дўконга ишга кирдим. Мана, шунга ҳам 15 йил бўлибди. Ўз касбимни жуда севаман, Ишга барвақт келиб кеч кетишга одатланганман. Мижозларим кутиб қолишмасин дейманда. Мен турли тоифадаги ва ҳар хил феъл-атворга эга бўлган одамларга қандай муомала қилишни ва севган касбимни ардоқлашни устозимдан ўргандим. Назаримда, ўз жойимни топганга ўхшайман.

— Келиним Машкурахон барака топсин, ундан бир умр миннатдорман, — дейди қувончини ичига сиғдиролмай кўзи намланган Собиржоннинг онаси, 67 ёшли уй бекаси Умри ая. — У жуда оқила ва меҳнаткаш аёл. Ҳали бирон марта ўғлимнинг дилини ранжитганини, унинг кўнглини ўкситганини билмайман. Турмуш ўртоғига доимо меҳрибон. Ҳамиша унинг ёнида бўлишга, 3 нафар фарзандини оқил инсонлар бўлиб вояга етишига ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳам ўғлимдан ва келинимдан кўнглим тўқ. Илойим, ниятларига етишсин.

Умри ая шундай дея юзага оқ фотиҳа тортди ҳамда ўғли — газета ва журналлар билан савдо қиладиган дўкон сотувчиси Собиржон Акбаровнинг ҳаётда ўз ўрнини топганлигидан мамнун эканлигини билдирди. Биз ҳам Умри аянинг илиқ сўзларига қўшилган ҳолда одамларга зиё тарқатишдек хайрли ишига омад, касб-корига барака ва умри бундан ҳам зиёда бўлишини тилаб қоламиз.

Исмоил ЗОИРОВ

НОН ҲИДИ

(Ҳикоя)

Тонг отди. Лаълихон эринибгина ўрнидан турди. Дераза ёнига келди. Ташқарига қаради. Баланд-баланд бинолар. Ҳув пастда гугурт қутисидек бўлиб кўринаётган машиналар ғир-ғир ўтиб турибди.

— Энди икки ҳафта ўтди, яна бир ҳафта бор. Буёқларда вақт жуда секин ўтаркан. Тезроқ бир ҳафтаси ҳам ўта қолсайди... — хаёлидан ўтказди.

Лаълихон асли тошкентлик. Онасининг кенжа қизи бўлгани учун анча эрка ўсди. Уйда айтгани айтган бўлди. Кўнгли нимани тусаса отаси дарров муҳайё қиларди. Сўнгра турмушга чиқди. Ҳеч нарсага зориққани йўқ. Эри барака топкур ҳаммасини бисёр қилди. Болалари ҳам ризқли-насибали бўлишди. Болалигида эрка ўсган эди. Уйида ҳам эрка хотин бўлди. Қўшқават уйларда яйради. Кўпчилик қўни-қўшнилар ҳурмат қилишади уни. Йиғинларга борса жойнинг тўри унники. У яшаган Мингўрик маҳалласида эрининг ҳам ҳурмати баланд.

Баъзилар Мингўрикни нон маҳалла ҳам дейди. Новвой Фарида хола ёпган нонларни еган одамнинг оғзида масаси қоларди. Лаълихоннинг уйи уч-тўрт эшик нарида жойлашганди. Эрта тонгда бутун маҳаллага нон ҳиди тараларди. Шундан ҳамманинг кўнгли тоғ бўларди. Новвой хола ҳар куни нонуштага иккита нон чиқарарди. Қишда қаймоқ билан тановул қиларди. Ёзда эса ҳусайни билан. Кайфияти бузилган чоғларда эри ҳам, ўзи ҳам тонгни, нон ҳиди таралишини кутишарди. Фарида хола биринчи тандирни очиши билан маҳалладагиларнинг димоғларига ёқимли ҳид келарди. Лаълихонга эса бу ажойиб ҳид жуда қадрдон бўлиб қолган. Шундан кейин вужудида енгиллик ҳосил бўларди. Ёлғиз угина эмас, маҳалладаги катта-ю кичик шунга одатланган. Айрим ота-оналар болаларини «нон ҳидидан бебаҳра қолгур» деб уришишарди.

Лаълихоннинг келинини айтмайсизми. Нон ҳидига бош қоронғи бўлди. Тўрт-беш ойгача кези келганда новвой холанинг ёнига чиқиб ўтирган пайтлари бўлди. Буни билган қўшнилар неварасини «ширмой нон» деб атайдиган бўлишди. Омон бўлгурнинг юзи ҳам нақ ширмой нонниг ўзи. Ҳавасингиз келади.

Шаҳар лойиҳаси бўйича маҳалладаги ҳовлилар бузиладиган бўлди. Бошқалар қатори Лаълихон ҳам аввалига роса куйди. Кейин кўпга келган тўй-ку, дея ўзига тасалли берди. Бузиш осон. Қуриш қийин. Лекин бу ердаги баланд иморатларни жуда тез битказишди. Маҳалладагиларнинг кўплари шундоққина янги уйларга кўчишди. Лаълихон ҳам ўзига тўртинчи қаватдан тўрт хонали уй олди. Катта ўғлига ёнидаги уч хоналини олди. Қаранг-ки тўрт тарафга тушган баланд иморатларнинг ўртасида Фарида холанинг ҳовлиси бузилмасдан қолди. Тандири ҳам.

Энди тонг пайтида димоққа уриладиган нон ҳиди аввалгидан ҳам ёқимли тараладиган бўлди. Лаълихон уйғонди дегунча дераза ёнига келиб иссиқ нон ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олади. Бошқа дераза лардан қараб турган қўшнилар билан бош ирғаб сўрашган бўлади. Фарида хола ҳам билгандек гоҳо уларга қараб қўяди. Кейин дераза дан туриб биров тўртта, биров иккита нон буюришади. Ҳамма шунга ўрганиб қолган. Эрига бўлса-ку ўн хил овқатдан кўра бир дона иссиқ нон афзал.

Баъзида Лаълихон новвой холага жизза беради. Жиззали нон ҳиди, таъми яна ҳам хушбўй, ширин. Қўшни Икром амаки бўлса гўштли нонни ёқтиради. Ҳар куни бўлмаса ҳам гоҳида кўнгли тусаган пайтда «қўлбола» гўштдан ўзи олиб келади. Новвой хола униям дилидагини уқиб олган. Бировга ялпизли, бировга пиёзли, бировга кунжут, бировга седанани кўпроқ солади. Хуллас кўпчиликнинг кўнглини олишга ўрганиб кетган Фарида хола.

Лаълихон умрида бировникида ётиб қолмаган. Эри қизғанмайди. Йўқ. Шунчаки ўрганмаган. Кўнгли нозик. Нима ҳам бўлдию, қариндошлари қиз узатишди. Тўйда елиб-югурди. Узатишиб бормоқчи эмасди. Қизининг онаси қўймади. Газалкент яхши жой. Ҳавоси тоза. Кўриб, дам олиб келасиз, дея ахийри кўндирди.

Лаълихон кўпчилик билан қизни узатишиб борди. Кечқурун яхшигина тўй бўлди. Тўғри, шаҳардагидан бошқачароқ расм-русуми кўп экан. Келин-куёвни гўшангага киритиб хотинлар алламаҳалгача ирим-сиримини қилишди. Азонга яқин бир-икки соат ухлашган бўлди. Лаълихон ҳам азонга яқин кўз юмди. Тонгда одатий туйғу билан уйғонди. Лекин бу ернинг ҳавоси ҳам мақташгандек эмас. У эрталаб тўйиниб-тўйиниб нафас оладиган нон ҳидига сира ўхшата олмади.

Бир куни қайсидир даврада ўтиришганда:

— Бекор ҳам ўтирибмиз-ку уйда. Ундан кўра бошқаларга ўхшаб чет элга саёҳатга борайлик. Ўзи жўнатиб, ўзи кутиб оладиган фирмалар бор экан. Ҳам кўриб, дам олиб келамиз. Юрган дарё ўтирган бўйра, дейишган қадимгилар, — таклиф қилди кимдир.

Биров у деди, биров бу. Охири ўн нафар аёл жўнайдиган бўлишди. Эри ҳам:

— Майли, айланиб, кўриб келасан. Шу пайтгача бола-чақа деб, юрт кўрмадинг. Кўпчилик экансизлар, — деган йўсинда рухсат берди. Ўзи кузатиб қўйди.

Улар самолётга чиққунча қанақадир қизиқиш билан юришди. Ҳавода икки-уч соат учишгандан кейин юрагининг аллақаери узилгандек бўлди. Етиб боришгандан кейин ҳам бошқалар майли-ку, Лаълихон қийналганга ўхшади. Ўн нафар аёлларнинг барчасини баланд меҳмонхонага қўйишди. Шунақанги чиройли, ичлари озода, томоша қиласиз. Ҳар куни автобусда ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа олиб боришади. Ҳамма ўйнаб-ўйнаб дам оляпти. Катта шаҳар. Ҳаммаси эртаклардагидек. Ўзбеклар ҳам кўп экан. Улар қачонлардир келиб, шу ерда яшаб қолишган. Айримлари уларни меҳмонга чақиришди. Лекин барибир ҳар қанча уринмасин ниманидир соғинади Лаълихон. Айниқса тонг чоғида юрагида ғалати соғинч ҳиссини туяди.

Шукр, уйдагилардан кўнгли тўқ. Эри, болалари билан телефонда гаплашди. Ҳаммалари соғ-омон. Ҳавотир олманг, яхши ўйнаб келинг, дейишди. Фақат эри қийналмаяпсанми, деб сўраганда йиғлаб юборгиси келди, ўзини тийди. Набираси, болалари суратига ҳам қараб туради. Аллақачон тушига ҳам киришди. Лекин барибир ниманидир жуда соғинаётгандек, нимадир етишмаётгандек туюлаверади.

Ҳозир ҳам ўз уйидаги каби деразадан пастга қараяпти. Фарида холанинг тандири ва нураб қолган ҳовлисини эмас, гугурт қутисидек машиналарни кўряпти. Димоғига урилган ҳаводан ётсираб нафас оляпти. Ўша ўзи тўйиб-тўйиб нафас оладиган нон ҳидини соғиняпти.

Энди тушунди, ота-боболар ўз уйинг, ўлан тўшагинг, деб бежиз айтишмаган экан, — хаёлидан ўтказди Лаълихон. Минг чиройли бўлгани билан Тошкент қайда-ю, бу сершовқин шаҳар қайда. Унинг вужудини ўша ўзи соғинган нон ҳиди тобора кўпроқ қамраб олди. Кеча, ундан олдинги кун ҳам шундай бўлганди. — Йўқ кўникиш қийинга ўхшайди, — яна ўйлади у кийинаётиб. Ҳадемай шериклари чақиришади. Йўлакай ҳар ким дилидагини тўкиб солди. Лаълихон соғинч туйғуси бошқаларда ҳам борлигини эшитиб ўзини юпатишга уринди. Аммо ҳар не уринмасин Фарида холанинг тандири кўз олдига келар, ёқимли нон ҳиди вужудини қамраб оларди.

— Ватан туйғуси, юрт соғинчи шу бўлса керак, — дилига тугди у. — Нима бўлса ҳам тезроқ ўз уйимга, ўз юртимга борганим яхши.

Лаълихон ўша куни тонг отишини илҳақлик билан кутди.

Муқаддас СОЛИҲ қизи

АҲЛИ ЖАҲОНДИН ЯХШИЛИК

Саховат

Тошкент шаҳар Ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат маркази ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Меҳрга, бир оғиз ширин каломга ташна инсонларнинг ҳаётда ўз ўринларини эгаллашларига кўмак бериш мақсадида қалби дарё инсон Зухра Раҳматуллаева етакчилигида фаолият бошлаган ушбу марказда шу кунгача бичиш, тикиш, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш ҳамда инглиз тили тўгараклари ишлаб турибди.

Шуниси қувончлики, марказнинг 1000 нафар аъзосига замонавий технологиялар асосида таълим бериш, уларнинг пухта билим олишларига имкон яратиш мақсадида ҳайрли ишга қўл урилди. АҚШнинг «Айрекс» Халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда яқиндагина интернет тармоғи ташкил этилди. Эндиликда марказ аъзолари интернет орқали дунёнинг истаган мамлакатларидан ўзларига зарур ва керакли ахборотларни олиш имконига эга бўлишди.

— Тан олиш керак, марказимиз аъзолари орасида, — дейди Зухра Раҳматуллаева, — иқтидорли болалар ва аёллар истаганча топилади. Шу боис ҳам тўгараклар сонини кўпайтириш асосий мақсадимиз.

Дарвоқе, Зухра Раҳматуллаева бошлаган эзгу ишни хорижликларни ҳам бефарқ қолдирмади чоғи, АҚШнинг «ЈДА» ҳамкорлигидаги тараққиёт ассоциацияси марказга аёллар ва болаларнинг қишлоқ кийим-кечаклари, пойабзаллар туҳфа этди.

(Ўз мухбиримиз)

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Габрово латифалари

Бир киши кемага ўтираётиб ўзининг габроволик ошнасидан илтимос қилиб қолди.

— Костюмингни менга бер!

— Ўзингники бор-ку.

— Мен сузишни билмайман, агар менинг эгнимда сенинг костюминг бўлса, кема ҳалокатга учрагудай бўлса, мени қутқариш учун ўзингни албатта сувга ташлайсан.

* * *

Габроволик бир кишининг ўғли жарроҳ бўлишга аҳд қилибди.

— Аҳмоқ экансан, — дебди унга отаси. — Тиш дўхтир бўл! Ахир одамларда юрак битта, тиш эса ўттиз иккита бўлади.

* * *

— Менга қора товуқнинг тухумидан беш дона бер, — деди бир габроволик тухум сотиб ўтирган хотинга.

— Агар фарқини билсанг, ўзинг танлаб ола қол, — деди сотувчи ҳайрон бўлиб.

Габроволик бешта энг йирик тухумни танлаб олди-да, пулини тўлаб ўз йўлига равона бўлди.

* * *

— Қўшни, итингиз яна менинг товуғимни еб қўйибди.

— Яхши айтдингиз-а, бугун унга овқат бермай қўя қоламан.

* * *

Габроволик уй сотиб олмоқчи бўлди. Ундан уйнинг катта-кичиклиги қандай бўлиши кераклигини сўрашганида, у шундай деди:

— Шунчалик катта бўлсинки, хотиним уй ишларидан ортиб, онасиникига бориб ялпайиб ўтиргани вақти бўлмасин, шунчалик кичик бўлсинки, қайнонам бизникига кўчиб кела олмасин.

Азамат ШОКИРОВ тайёрлаган.

ТАДБИРЛАР

Кексаларга таъзим

Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб Сергели туманида туман ҳокимлиги ташаббуси билан халқ таълими тизимида фаолият кўрсатган кекса ўқитувчи-устозлар учун тадбир уюштирилди.

«Таъзим» дея номланган бу тадбирда кўп йиллар давомида ёшларга мураббийлик қилиб келган, уларни билим сир-синоатлари билан таништирган устозларга раҳматлар айтилди, муносиб совғалар топширилди. Сўнг Сергели маданият истироҳат боғига ўтилиб, у ерда катта концерт дастури берилди. Унда иштирок этган машҳур хонандалардан Илҳом Фармонов, Нодир Лутфуллаев, Рашид Ҳолиқов кабилар ўқитувчи-устозларни ўз куй-қўшиқлари билан хушнуд қилишди.

Фозила ТОШПЎЛАТОВА

ТАНЛОВЛАР

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича яратилган қатор ўқув қўлланмалари муаллифлари ғолиб деб топилди. Мутахассислик фанларига доир адабиётлар ичида биринчи ўрин «Болалар адабиёти» дарслиги муаллифига берилди.

Муносиб тақдирландилар

«Электр машиналари» дарслиги иккинчи, «Металл кесиш дастгоҳларида ишлов бериш» ҳамда «Тико» автомобили» ўқув қўлланмалари эса совринли учинчи ўрин билан тақдирланди. Умумтаълим фанлари бўйича яратилган «Геометриядан масалалар тўплами», «Алгебра ва математик анализ асослари», «Умумий табиий география», «Информатика» сингари ўқув адабиётлар ҳам бу йилги танловда ғолиб чиқдилар.

Ғолиблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, халқ таълими вазирлиги ҳамда «Устоз» республика жамғармаси томонидан муносиб тақдирландилар.

(Ўз мухбиримиз)

САНЪАТ

Мусаввирнинг янги асари

Ўз истеъдоди ва бадиий услубига эга бўлган ёш рассомлар талайгина. Бундай умидли ёш мусаввирлар орасида Бобур Исмоилов ҳам кўзга яққол ташланиб турибди.

У янги-янги картиналари билан мухлисларга яхши танилиб қолди. Рассомнинг кино, театр, мультипликацион асарларга чизган суратлари ҳам эътиборни ўзига тортади.

Бу борадаги изланишлари рассомни йирик мультипликацион асар яратишга ундади. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» достони воқеалари бу туркум расмларда ўз ифодасини топди. Ижодий камолот сари интилаётган рассом Бобур Исмоилов мазкур асари орқали ўзбек халқининг миллий анъаналарини улуғлайди.

«Алпомиш» мультипликацион асаридан ўқув фильми сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Анвар АКРОМОВ

БУ — ҚИЗИҚ

Яқинда руминиялик 25 ёшли Даниил Данчий исмли йигит иш излаб, хорижга кетиш олдидан соғлиғи ҳақида текширишдан ўтади. Шунда рентген орқали унинг ички аъзоларида номаълум бир нарсанинг қолиб кетгани аниқланади. Шифокорлар маслаҳатлашиб, уни операция столига ётқизишади.

Ошқозонда сақланган «бомба»

Маълум бўлишича, ичда қолиб кетган нарса — термометр экан. Агар термометрнинг ташқи чинниси синиб симоб ичига тарқалиб кетганида борми?

Шифокорларнинг «Бу қачон ҳамда қандай бўлган?» — деган сўроқларига Даниилнинг онаси шундай деб жавоб берган: «Кичкинтой Даниилнинг 5 ёшли пайтида касалхонада ўйнаб юрганида термометрни ютиб юборгани энди эсимга тушди. Сабаби, шу ерда хизмат қилувчи ҳамшира келиб термометрни сўраганда Даниил йўқ эди. Бу воқеани энди эсладим!»

Мана, шундан буён хавфли «бомба», бояқиш боланинг ошқозонида 20 йил яшади. «Ажалсиз одам» деб шунга айтишар экан-да!

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

СПОРТ

Болалар жамғармаси истиқболлари

Мамлакатимиз иқтидорларга бой. Айниқса, кейинги пайтларда спортчиларимиз олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда қатор ғалабаларга эришиб курраи заминда довруғ таратмоқдалар.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, болалар спорти ва оммавий спортни ривожлантирмай туриб катта спортни тараққий эттириш қийин. Ана шундан келиб чиққан ҳолда яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққанлиги ҳам бежиз эмас. Уларга кўра жамғарма томонидан болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий негизини шакллантириш, аҳоли турар жойларида замонавий болалар спорт комплексларининг тармоғини барпо этиш, уларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш каби кўплаб хайрли мақсадлар кўзда тутилган.

КЕЧА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкилий қўмитаси аъзолари, мутахассидлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг президенти Собиржон Рўзиев, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқарувининг раиси Баҳодир Тожиев, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси Абдулазиз Абдуқаххоров, шунингдек республика Олий ва ўрта махсус таълим ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари мазкур Фармон ва қарор ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар, хусусан, болалар соғлиғини назорат қилиш, спорт тиббиётини кучайтириш, боғчаларда 3-4 ёшдан бошлаб болаларни спортга жалб этиш ва шу йўл билан «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва универсиадалар тизимига болаларни янада пухта тайёрлаб бориш юзасидан режаланаётган ишлар хусусида батафсил тўхталиб ўтишди. Шунингдек, замон талабларига жавоб бера олмаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини бутунлай янгилаш лозимлиги тўғрисида ҳам сўз борди. Болалар билан ишлайдиган кадрлар, педагогларни қайта тайёрлаш лозимлиги таъкидланди.

Мутасаддилар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтаришди.

(Ўз мухбиримиз)

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Осиё чемпионати якунланди

Мини-футбол бўйича минтақамизнинг энг кучли терма жамоалари ўртасида Жакартада уюштирилган IV Осиё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Гуруҳ беллашувларида муваффақиятли иштирок этиб чорак финалда япониялик лар рўбарў келган Ўзбекистон терма жамоасидан омад юз ўгирди. Улар куннчиқар юрт вакилларига 1:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Аммо финалда эронликлар билан куч синашган Япония термаси 0:6 ҳисобида енгилиб минтақанинг иккинчи жамоасига айланди.

Тошкентликлар зафар қучишди

Наманган шаҳрида мамлакатимиз вилоятлари кубоги соҳиблари ўртасида ўтказилган республика финали пойтахт вилоятининг «Тошкент» жамоаси учун омадли кечди. Иқтидорли мураббийлар С. Эрматов ва Б. Бородавкинлар етакчилигида тўп сурган «Тошкент» жамоаси футболчилари барча рақибларини енгиб ғолибликни қўлга киритишди.

Ҳеч ким бас келолмади

Аёллар ўртасида уюштирилган VI чемпионатнинг якунловчи 4-тур баҳслари ҳам ниҳоясига етди. Шуниси қизиқки, бу сафар ҳам аёллар ўртасидаги мусобақаларда Андижоннинг «Андижанка» жамоасига рақиблари бас келолмади. Ва андижонлик футболчи қизлар мамлакат чемпионлигини қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳридан почта ва матбуот нашрларини Республика вилоятлари марказларига «**ЎзОТОЙЎЛ**» русумли юк автомашиналарида ташиш учун В, С тоифадаги, дизел автомашиналарида камида 5 йил иш стажига эга бўлган малакали ҳайдовчилар

КЕРАК

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Шимолий вокзал, Туркистон кўчаси, 4. Телефонлар: 133-95-33. Кадрлар бўлими. Метронинг «Тошкент» бекати.

Юнусобод туманидаги **«DARMON-55»** хусусий фирмаси тугатилади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзил: Карим Зарипов кўчаси, 14-уйда қабул қилинади.

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан Шадибеков Дониёрбек Исламович номига берилган №0515454 рақамли якка тартибдаги тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009.

Босмага топшириш вақти 13.00

Топширилди 14.15

1 2 3 4 5 6